

ISHONCH

ВАТАН

Мен Ватан ҳақида ёзганим асно
Бобомдан бошларман сўзни, аввало.
Намозин эркин ўқимоқ учун
Худога илтижо қиларди тун-кун.
Яна кўз олдимдан ўтар шу айём,
Ҳажга бир борсам деб зор ўтган момом...

Мен агар шеър ёзсам Ватан ҳақида
Ёзмасам бўлмагай отам ҳақида,
Чунки у шу Ватан дея тикиб жон
Ўтказган умрини сарсон-саргардон.


Мен Ватан ҳақида қўшиқ бошласам,
Келар кўз олдимга муштипар онам.
У ҳам Ватаннинг истиқболи деб
Заҳматда қартайган ич этини еб.
Эрлардай тинмаса ҳамки бир нафас
На илож косаси оқарган эмас.

Мен Ватан мавзусини бошласам агар,
Рухимни чулгагай хавотир, хатар.
Қайғуга ботажак ҳар софдил киши
Хайлдан ўтса гар Ватан ўтмиши...

Бугун юртда кезар байрам шуқуҳи,
Унга жо бобомнинг, момомнинг руҳи.
Ватан-чун жон тиккан отам руҳи ҳам,
Даладан чиқмаган онам руҳи ҳам –

Ватан хур, эл Озод ушбу аснода
Не ажаб, шод кезса Арши Аълода!
Шундан Ватан ҳақда шеър ёзсам бу кун,
Шукрона айтаман Истиқлол учун.

Зиёвиддин МАНСУР



Эртага ҳаммаси аниқ бўлади... 2



Саҳифаларда:

ЙЎЛ. ЙЎЛЧИ. ЙЎЛБОН	2
ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ	3
ҲУҚУҚИЙ САБОҚЛАР	4
ҲАНГОМА	10
МОМО ДАВОГА МУҲТОЖ	11

ЎТГАН КУНЛАР САБОФИ

Иқтисодий-техникавий тараққиёт юқори поғонага кўтарилгани сари транспорт хизматида эҳтиёж ортиб бормоқда. Тезкор даврни шунга мутаносиб ҳаракат воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан Мустақиллик берган имконият туфайли жамоат транспорти тизими шаклан ва моҳиятан тубдан ўзгарганлигини, хизмат сифати анча яхшиланганини алоҳида эътироф этиш шарт. Самарқанд мисолида баъзи фикрларимизни баён қилмоқчимиз. Масалан, шаҳарда йўналишли таксилар кириб ўтмайдиган кўча йўқ ҳисоби. Ҳар бир қишлоқни туман ёки вилоят маркази билан боғлайдиган транспорт қат-

тиш эҳтиёжини шакллантирмоқда. Масалан, ҳаммаси шериклар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишига, йўналишларга чет машиналарнинг ноқонуний суқилиб киришига қарши ўзлари ҳаракат қилишади.

Мазкур қарорлар қабул қилингунга қадар Самарқандда аҳолига транспорт хизмати кўрсатилган тадбиркорларни бирлаштирадиган 24 та уюшма бор эди. Ҳозир уларнинг сони 54 тага етди. Улар илгари ҳайдовчиларга фақат йўл варақаси расмийлаштиришар, техник ва тиббий кўрикни номигагина ўтказишар, бунинг учун шароитлари ҳам йўқ эди. Қарор ижросини таъминлашга тайёргарлик жараёнида ушбу уюшмалар юридик шахс мақоми олиб, собиқ автокорхоналарнинг бино ва ҳудудларини тасарруф этишди. Чунки бу жойларда транспорт воситаларини кўриқдан ўтказиш, техник хизмат кўрсатиш учун ҳар ҳолда шароит бор.

Бундан ташқари, юридик корхонага аъзо бўлган тадбиркор ҳайдовчи корхона ходими ҳисобланиб, у билан меҳнат шартномаси тузилади ва Ўзбекистон Республикасининг

ғи пайтда вилоят ИХХ бошқармаси ходимлари корхоналарга техник воситаларни кўриқдан ўтказиб, бунинг учун жойларни жиҳозлаш, ҳаракат йўналишларини ишлаб чиқиш ишларида амалий ёрдам беришмоқда. Тегишли назорат ташкилотлари билан ўтказилаётган рейдлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлаётти.

Вилоят ИХХ бошқармаси ходимлари олиб бораётган ишлар диққатга сазовор. Асосий масъулият уларнинг зиммасига тушмоқда. Чунки яхши отга бир қамчи деганларидек, тушунган ва масъулиятни ҳис қилган ҳайдовчилар белгиланган тартибда ишлаётти. Ноинсофлар эса ўзбошимчалик қилишмоқда. Кўрилган чоралар ва автомашиналарнинг умумий сонига нисбатан қаралганда, шартли равишда ҳар етти ҳайдовчининг бири ҳуқуқбузарлик содир этган. Буларнинг орасида техник носоз машинани ҳайдаб чиқиш, техник кўриқдан ўтказмаслик, ҳужжатсиз ва маст ҳолатда машина бошқариш, лицензиясиз одам ташиш, одам ташиш меъёрини бузиш каби ҳолатлар кўп учрайди.

ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ

ТОМОНИ

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни Президент қарорлари талаби даражасида ташкил этиш учун Самарқанд вилоятида анчагина ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Мутасаддиларнинг бу борадаги хизматлари, фидойилигини эътироф этиш шарт. Шу билан бирга мавжуд нуқсонлар, оғриқли нуқталар, эътибордан четроқда қолаётган масалалар хусусида тўхталмаслик мумкин эмас.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш соҳасидаги ижобий ўзгаришлардан қониқиш ҳосил қилиш мумкин бўлса-да, назаримда сусткашликка йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам бор. Ҳали кўпчилик йўналишларнинг бошланғич бекатларида диспетчерлик масканлари барпо қилинмаган. Ҳолбуки, транспорт воситалари қатновини тартибга солишда бундай хизматнинг аҳамияти катта. Бундан ташқари, юридик корхоналар томонидан ҳар бир йўналишдаги транспорт воситаларининг қатнови жадвали мумкин қадар тезроқ ишлаб чиқилиши шарт. Йўл чипталари берилишини ташкил этиш ҳам муҳим. Бу тушумларни аниқлашни оsonлаштиради. Корхоналар мутасаддилари қатъиятли, ҳайдовчилар интизомли бўлишса, кўзланган мақсадга тезроқ эришилади.

Эътироф этиш лозим, саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ Самарқанд шаҳри ҳудудидаги йўналишларда бирмунча тартиб ўрнатилган. Шунга қарамай, Сиеб бозори — Сўғдиёна даҳаси, Сиеб бозори — Темирйўл вокзали, Кимёгарлар кўрғони — Дамарик бозори йўналишларида ноқонуний фаолият кўрсатаётган ҳайдовчилар кўп учрайди. Шаҳар атрофи ва туманларга қатнаётган транспорт воситаларида ҳозирга қадар йўналиш номи, рақами кўрсатилмаган. Шунингдек, кўпгина йўналишларнинг бош бекатлари жиҳозланмаган, ҳайдовчилар ва йўловчилар учун шароит йўқ.

Ҳайдовчилар содир этаётган ҳуқуқбузарликлар орасида лицензиясиз хизмат кўрсатиш, юридик корхонада қўнлик рўйхатдан ўтмай йўналишга чиқиш, одам ташиш меъёрларини бузиш, тезликни ошириш кўп учрайди. Юқорида биз ИХХ ходимлари томонидан қайд этилган ҳуқуқбузарликлар кўрсаткичини эслатгандик. Аниқланмаганлари қанча? Касбимиз тақозосига кўра йўлда кўп юрганлигимиз боис бундай ҳолатларга анча-мунча гувоҳ бўлганмиз. Шаҳар атрофи ва ташқарисидаги йўналишларда қатновчи «Дамас»ларнинг ёнтомон деразаларига қора парда тутилганини кўрамиз. Бундай ҳуқуқбузарлик давлат рақам белгисиз транспорт воситасини бошқариш билан тенг ҳисобланади. «Дамас»ларда нечта йўловчи бир йўла ташилиши мумкин, деган савол устида ИХХ ходимлари билан баҳслашдик. Чунки, айрим «Дамас» ҳайдовчилари 7-8 тагача йўловчи миндиришга жазм қилишмоқда. Бу янгилик эмас. Ва гап катта ёшдаги йўловчилар ҳақида кетмоқда. «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 25.3-бандида «Ташиладиган одамлар сони жиҳозланган ўриндиклар сонидан ошмаслиги керак» деб ва 258-бандининг 5-хатбошида «12 ёшга тўлмаган болаларни ҳисобга олмаганда транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўзда тутилган миқдордан ортик одам ташиш тақиқланади», деб ёзиб қўйилган. Демак, изоҳ ва баҳсга ҳожат йўқ.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш борасидаги вазифалар, албатта, бажарилади. Фақат бунинг учун ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этишлари шарт.

Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

ЙЎЛ

ЙЎЛЧИ

ЙЎЛБОН

(ҳолатлар ва мулоҳазалар)

нови вужудга келган. Тадбиркорликка, айникса, яқка тартибдаги тадбиркорликка шароит яратилиши аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш кўламининг ана шундай беқийёс кенгайишига олиб келди. Асосий қатнов йўналишларида ва шаҳарларда ярим тунда ҳам, тонгда ҳам сизни манзилга етказиб қўйишга шай турган транспорт воситаси мавжуд бўлиши ҳаммага маълум.

Ҳаракат бор экан, унинг тегишли босқичларида ўзига хос масалалар, муаммолар пайдо бўлиши табиий. Уларнинг ўз вақтида ҳал этилиши соҳадаги ривожланишга хизмат қилади, холос. Транспорт соҳасида яқка тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаган бўлса-да, бошқа масалаларни кўндаланг қилиб қўйди. Транспорт воситаларининг техник кўриқдан тез-тез ўтказилмаслиги, ҳайдовчиларнинг саломатлиги мунтазам назорат қилинмаслиги, ҳайдовчилар бир кунда 12-16 соатлаб машина бошқариши, йўловчи ташиш қоидаларига риоя қилинмаслиги шулар жумласидан бўлиб, улар ҳаракат ва йўловчилар хавфсизлиги нуқтаи назаридан жиддий масалалардир. Тадбиркорликнинг мазкур турини назорат қилишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд бўлмаганлиги оқибатида фаолиятда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бергани сир эмас. Соддароқ айтганда, ҳар бир тадбиркор буйича иш юрифтаётган шароитда тартиб ўрнатиш мушкул эди. Республика Президентининг 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2006 йил 9 мартдаги «Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорлари юқорида айтилган ва шунга боғлиқ кўпгина масалаларнинг ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга. Агар мазкур қарорларда белгиланган вазифалар мутасаддилар ва тадбиркорлар томонидан тўлиқ бажарилса, соҳада туб ўзгаришлар рўй беришига умид бор. Шундай қилиб, янги босқич бўсағасига қадам қўйилди.

ЎЗГАРИШЛАР МЕВАСИ

Бирлашиб ҳамжихатликда ишлашнинг афзалликлари кўп. Фаолиятда тартиб, ўзига хос тизим вужудга келади. Илгари битта йўналишда ҳаридиган ҳайдовчиларнинг ҳар бири ўзининггина иши яхши бўлишини ўйларди. Йўловчилар ҳаракати тигиз соатларда ҳамма ҳайдовчилар йўлга чиқарилар, ким ўзар қабилида иш тутилар, йўналишларга чет машиналар суқилиб кирар, тушумлар очикдан-очик яширилар эди. Президентимизнинг қарорлари ҳайдовчиларда ишни ташкил этишга янгича ёнда-

амалдаги меҳнат қонунчилигида белгиланган имтиёз ва қарорлардан, ҳуқуқлардан баҳраманд бўлади.

— Қарорлар қабул қилингандан кейин ўтган давр мобайнида вилоятнинг бутун ҳудудида тушунтириш ишлари олиб борилди, — дейди Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги вилоят бўлими сектор мудири А.Ражабов. — Юридик корхоналарнинг, ҳайдовчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги доираси, имтиёзлари батафсил изохлаб берилди. Бу корхоналарда иш қандай ташкил этилиши намунавий тарзда кўрсатилди.

Шу вақтгача йўловчини манзилга етказиш тегишли пулни олиш қайғусида бўлган ҳайдовчи эндиликда ўз машинасига миндирилган йўловчининг хавфсизлиги, саломатлиги, унга яратиладиган шароит учун тўла жавобгардир. Йўловчи транспорт хизматидан фойдаланиш жараёнида ҳайдовчининг олдига ана шундай қонуний талабларни қўйишга ҳақли.

НАЗОРАТ КЎЗГУСИДА

Ҳайдовчининг қонунга қай даражада мос ишлаётганини фақат ҳаракат жараёнида аниқлаш мумкин. Бу борада кўп нарса йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг иш тутумига боғлиқ. Чунки уларга катта ваколатлар берилган. Кейинги уч ой мобайнида ва 1 июндан сўнг амалга оширилган ишлар ҳақида Самарқанд вилоят ИХХ бошқармаси ТНБ ИХХ катта нозири Ф.Нарзуллаев қуйидагиларни гапириб берди:

— Феврал ойидаёқ аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи тадбиркорларни бирлаштирадиган уюшмалардаги аҳвол ўрганилди. Мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар, тавсиялар берилди. Транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказадиган ва ҳаракат хавфсизлиги буйича мутасаддиларнинг билим даражаси синовдан ўтказилди. Йўловчи ташиш билан машғул барча автомашиналар кўриқдан ўтказилди. Ҳозир вилоятда 1056 та автобус ва микроавтобус, 72990 та енгил автомашина («Дамас»лар ҳам шу ҳисобга қиради) бор. Ҳайдовчилар билан уюштирилган учрашувлар ва йиғилишларда улар янги қонун-қоидалар билан таништирилиб, огоҳлантирилди. Юридик шахс мақомига эга корхоналарга аъзо бўлган тадбиркор ҳайдовчилардан ёзма тилхатлар олинди.

Бугунга қадар олиб борилган ишлар натижасида ҳайдовчилар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилган 14152 ҳолат аниқланди, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилди. Бу каби салбий ҳолатлар ой сайин камайиб бораёпти. Аммо Президент қарори талаблари тўлиқ бажарилиши учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Ҳозир-

Спорт

Футбол

ХОМИЙЛАР СЎЗИДА ТУРДИ

Жаҳон чемпионатининг чорак финалида ўйнашга муваффақ бўлган Украина терма жамоасига иззат-икром кўрсатиш бошлаб юборилди. Нуфузли миллий алоқа компанияларидан бири ўйинчиларни 2.525 миллион гривен миқдорида мукофотлашга қарор қилганлигини эълон қилди. Бу 500 минг доллар деганидир.

Бундан ташқари, футболчилар гуруҳ баҳсларида Саудия Арабистони ва Тунис устидан қозонилган ғалаба учун 1.515 миллион гривен, нимчорак финалда Швейцарияни мағлубиятга учратганликлари эвазига яна 1.01 миллион гривен олган эдилар.

Агар Олег Блохин шоғирдлари чемпионлик унвонини қўлга киритганларида ярим финални ҳисобламаганда ҳам яна 2.778 миллион гривенлик бўлиб қолардилар.

ЗИДАН ШУБҲА

ОСТИДА

Португалия терма жамоаси бош мураббийи Луис-Фелипе Сколари ярим финалда французларнинг устунлигини тан олгани етмагандек, оммавий ахборот воситаларида яна бир миш-миш тарқалди. Эмишки, Франция терма жамоаси сардори Зидан учрашувлар оралигида марихуана истеъмол қилишга ружў қўйганмиш. Хатто бунга ушбу жамоа жойлашган меҳмонхонада, яна кимдир Зидан жойлашган хона деразаси орқали кўрганмиш.

Хуллас, қайга қарамаган, миш-миш. Эмишки, агар мазкур хабарлар ўз тасдиғини топса, Зиданнинг хурмача қилиғи унга қимматга тушармиш, яъни уни бир, хатто икки йилга дисквалификация қилишлари эҳтимолдан йироқ эмас эмиш.

Билмадик, финал олдидан тарқатилган бу овозалар қанчалар тўғри, лекин бир нарса аниқ. Зидан ушбу чемпионатдан сўнг футбол билан хайрлашиш ниятида. Бинобарин, уни ҳавоий жазолар билан қўриқтишдан фойда йўқ.

ЛИППИ "ТУМАНЛИ

АЛЬБИОН"ГА ЙЎЛ

ОЛМОҚДА

Яна битта учрашув, яъни 9 июлда бўладиган финал баҳсидан сўнг ўйин натижасидан қатъи назар Италия терма жамоаси бош мураббийи Марчелло Липпи Англияга йўл олади. Уни «Манчестер Юнайтед» клуби қароргоҳида кутишмоқда.

Шартномага кўра, Липпи мавсум бошида «МЮ» клуби бош мураббийи Алекс Фергюсонга ёрдамчилик қилади, сўнг бошқарувни ўз қўлига олади.

ҲАР БИР

ХОККЕЙЧИГА — УЗУК

Москванинг хоккей клуби «Динамо» раҳбарияти ўз ўйинчиларини рағбатлантиришнинг янгича кўринишини ҳаётга татиқ қилди.

Новоқорскдаги спорт базасида бўлиб ўтган тантанада клуб президенти Анатолий Харчук хоккейчиларга кўрсатган матонатни учун миннатдорчилик билдириб, Европа чемпионлар кубоғида қўлга киритилган ғалаба билан қутлади ва ҳар бир ўйинига номи ёзилган узук тақдим этди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Тухфа

МАЪНАВИЯТ МАРКАЗИ

Кейинги йилларда Навоий вилоятида ёшларни касб-корга йўналтириш ва уларнинг хунарли бўлишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Навбахор туманида фаолият юритаётган кишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи шулардан бири.

Туман меҳнаткашларининг фарзандлари бу масканда хунар ўрганиш билан бирга, турли машғулотларда иштирок этиб, ўз маҳоратларини оширмоқда. Айниқса, «Ёш кимёгар», «Моҳир қўллар» каби тўғарақлар ўқувчиларнинг жони дили. Ойбек Жуманазаров, Шойим Хидиров, Азиз Худойқулов, Ўғилой Расулова, Ҳасан Шодиев сингари ёшлар вилоят ва республика миқёсида ўтказилган танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритганлардан.

Коллежда маънавият масалаларига жиддий эътибор қаратилади. Мавжуд кутубхона ҳар йили жаҳон адабиёти дурдоналари қаторида истиқлол шуқуҳи билан йўғрилган китоблар билан тўлдириб борилмоқда. Ўқувчиларда айниқса китоб мутолаасига қизиқиш катта. Масаланинг бу жиҳати маъмурият томонидан эътиборга олинди, қўшимча ўқув зали қуриб берилди. Шунингдек, китоб фондиди янада бойитиш чоралари кўрилмоқда. Ишлаб чиқариш ва тажриба бўлими эса ярим йиллик якун бўйича даромад ҳисобидан кутубхонага 800 та китоб совға қиладиган бўлди.

Азиза ИСКАНДАРОВА,
коллеж кутубхона мудираси,
Навоий вилояти

Ташаббус

НОРИНДА ШУНДАЙ
БОҒЧА БОР

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш ва энг аввало, уларнинг фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилиш масаласи давлатимизнинг ҳамиша диққат-эътиборида бўлиб келаяпти. Шу борада қабул қилинган дастурлар жойларда уни рўёбга чиқаришда дастуриламал бўлаётди. Чўжа кишлоқдаги «Булбулча» болалар боғчаси жамоаси бундан уч йил аввал бир ташаббус билан чиқишганди: унга кўра тасарруфдаги кам таъминланган оилаларнинг 30 нафар фарзанди шу даргоҳ ҳисобидан бепул тарбияланиши ташкиллаштирилди.

Бошланган саъй-ҳаракат ўз самарасини бермоқда. Бундан, айниқса, мактаб маъмурияти ва педагоглар жамоаси хурсанд. Уларнинг таъкидлашча, дарсларни ўз вақтида ўзлаштиролмаётганларнинг аксарияти шундай оилалар фарзандларидир. Бироқ кейинги йилларда мактабгача тарбия масканида кам таъминланган оилаларнинг болалари жалб этилгани ва тарбиялаш қаторида фанлар чуқур ўргатилаётгани натижасида муаммо барҳам топди.

— Мазкур ташаббусни кишлоқдаги фермерлар ҳам қўллаб-қувватлашаётди, — дейди «Булбулча» болалар боғчаси мудираси Санобархон Азимова. — Улар кичкинтойларга ўқув қуроллари сотиб олишга ёрдам беришмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам улар томонидан ўз вақтида беминнат етказиб берилаяпти.

Айни пайтда Наманган вилоят касба уюмлари кенгаши бу ташаббусни барча туманларда қўллаш чора-тадбирларини кўрмоқда.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
Наманган вилояти

Инфратузилма

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Дарвеш — Жондор туманидаги энг қадимий кишлоқлардан бири. Кишлоқ инфратузилмасини шакллантиришга доир ҳукумат қарори туфайли бу ерда ижтимоий ва иқтисодий масалалар кенг шаклланимоқда. Ўтган даврда маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда туман ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан кўчалар ободонлаштирилиб, аҳолининг табиий газ ҳамда электр энергиясидаги эҳтиёжи тўла қондирилди.

Шунингдек, 30 дан ортиқ кам таъминланган оила ижтимоий ҳимояга олинди, 53 нафар ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилди. Кишлоқда ўсиш ва ўзгаришлар хусусида гап кетганда, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш борасида амалий ҳаракатлар қилинаётгани янада қувонарлидир. Узунлиги 10,5 километрга тенг сув қувурини тортиш ишлари қизгин олиб борилмоқда.

Энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги нишонланадиган кутлуғ кунгача тоза ичимлик суви тармоғида олиб борилаётган ишлари ниҳоясига етказиш режалаштирилган. Шу тариқа ҳудуддаги Урганж, Юқори ва Қуйи Дарвеш каби кишлоқларда истиқомат қилаётган 2300 нафардан зиёд аҳолига яна бир қулайлик яратилади.

Усмон НАВРЎЗОВ,
Бухоро вилояти

Хатлар

Ҳаёт ойнаси

Газета ва Газетхон

Пири бадавлатларимиз

УЛУҒ ДАМЛАР ҚАДРИ

Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган яккабоғлик Бекмурод бобо Шомуродов ўтган аср бошларида таваллуд топган эди. 70 йил турли соҳаларда меҳнат қилиб, элга нафи теккан ана шу пиру бадавлат инсон 11 нафар фарзанд, 130 нафар нева-ра-чеваралари ардоғида.

— Ҳукуматимиз кўрсатаётган ғамхўрликдан миннатдорман, — дейди бобо. — Невараларимнинг бир нечтасига ўқиши учун имтиёзлар яратилган. Ҳозиргидек дорилмомон замон бўлмаган. Улуғ дамлар қадр ва шуқуҳини асрашни фарзандларга бот-бот уқтираман.

Суратда: Бекмурод бобо Шомуродов 80 ёшни қаршилаган тўнғич ўғли Дамин ота ва эваралари Эркин, Шавкатжонлар билан.



Хайрулла Тўраев
олган сурат

Муштарий фикри

Дабдурустдан бу тариқа савол қўйилиши ҳам ғалати, тўғрими? Аммо чуқурроқ ўйлаб қарасангиз, қўйилган масалада жон бордек...

Гапни кўп чўзмасдан фикр исботи сари йўналсам: ҳозирги кунда телевидение каналлари орқали намойиш этилаётган баъзи қўшиқларнинг тинглар эканман, ана шулар кўнглимдан кечади. Ижро этилаётган қўшиқ мусикаси матни Сизга кимнингдир қўшиғини, ё қайси бир оҳангни эслатиб турса, юқоридаги сарлавҳага, мавзуга оид мулоҳазаларга чорлар экан кишини. Мисол учун, Гулсанам Мамазоитованинг «Мен излаган муҳаббатим, ёр қайдасан» номли гўзал қўшиғи бор.

Бетакрор оҳангда яратилган қўшиқ. Лекин яқинда хонанда Адҳам Солиев ижросида бир қўшиқ эшитдим. Мусика, оҳанг ўша-ўша, фақат сўзи бошқа. Гапнинг очиги, Гулсанамнинг қўшиғига ўрганиб қолган эканман шекилли, Адҳамнинг айтганини эшитиб, қулоғимга мих киргандек

бўлди.

Яқинда телевизордан кўрсатилган «Айтишув»да бир қўшиқчи «Тушумда кўрсам эди» номли қўшиқ ижро этди.

Мумтоз шеъримиз вакилларидан бири Нодиранинг шу номли газали борлиги борлиги. Лекин, «Айтишув»да ижро этилган «Тушумда кўрсам эди»нинг матни замонавий. Қизиқ, қўшиқ сўзи қайси шоир қаламига мансуб экан? Қўшиқнинг ҳар куплетидидаги нақоратни ҳисобга олмасангиз, қолган бандларида на дард, на ҳаяжон бор. Бундай мисоллар адабиётимизда ҳам учрайди, афсуски... Нима бўлганда ҳам маънавиятимиздаги бу каби қусурларга мурасис бўлишимиз керак. Бинобарин, табиийликда, бетакрорликда ҳикмат кўп.

Абдурашид БЎТАЕВ,
Қарши шаҳри

ИЖОДДАГИ «ЎҒИРЛИК»
КЕЧИРИЛАДИ...МИ?

Кишлоқ хўжалигида иш-хотларни жадаллаштириш қўтилган самарани бермоқда. Ҳосилдорлик ортиб, экин майдонлари ҳолати яхшиланаётди. Бунда ҳукуматимизнинг «Кадастр тўғрисидаги қонуни муҳим аҳамият касб этади.

Айни шу масала бўйича фикр билдирмоқчиман. Ширкат хўжаликлари даврида мутасадди ташкилотлар билан шартнома асосида тасарруфдаги барча контурларнинг балл банитети аниқланиб, шу асосда иш юритиларди ва ҳар гектар майдон учун ҳосилдорлик ўша хулосага қараб белгиланарди. Мутахассислар ҳар беш йилда контурлардаги аҳвол, яъни балл банитети қайта кўриб чиқишини тавсия этишарди.

Эндиликда экин майдонларининг аксарияти фермерлар ихтиёрида. Гектарлар ҳолати эса ҳануз ширкат пайтидаги ҳисоб-китоб билан ўлчанаяпти. Қўллаб

контурларнинг ҳолати яхшиланганига шубҳа йўқ. Бироқ чўл жойларидаги майдонларда унинг акси бўлиши ҳам мумкин.

БАЛЛ БАНИТЕТИГА КИМ АНИҚЛИК КИРИТАДИ?

Бу ердаги фермерларнинг кўпчилиги марказга, яъни Тошкентга келиб, тегишли мутасадди ташкилотларга аҳволни тушунтиришга вақти етмаслиги табиий ҳол.

Ёки битта фермернинг шартномаси бўйича марказдан олисда жойлашган вилоятга ҳар қандай мутахассис ҳам боравермайди. Боз устига, бу борада фермерлар шартномасини умумлаштириб, улардан шу соҳага кетадиган сарф-харажатларни жамлаб ўтказиб берадиган, сўнг ишни охиригача етказадиган ташкилот туманда бўлмаса, қийин экан.

Масалан, туман кадастр бўли-

Мулоҳаза

мига ихтиёримиздаги экин майдонлар ҳолати қай аҳволда

эканлигига аниқлик киритиб беришни сўрасак, «барча фермерлар биргаликда Тошкентга бориб шартнома тузиб, пул ўтказсанлар мутахассислар келиб, аниқлик киритишади», дейишади.

Фикримча, ҳар бир туманда шу соҳага дахлдор мутахассислар белгилаб қўйилса, фермерларни ўйлатаётган муаммо ечим топарди.

Иброҳим КАРИМОВ,
Оқолтин туманидаги
«Ойдин ҳаёт» фермер
хўжалиги раиси

Тадбир

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюмлари Марказий кенгашининг Сирдарё вилоят вакиллик ташаббуси билан тармоқ ходимларини жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, миллий ҳамда оммавий спорт турларини ривожлантириш мақсадида Ширин шаҳридаги иссиқлик электр станциясига қарашли «Нурчи» уйингоҳида аънавий 9-вилоят спартакиадаси ўтказилди.

АЪНАВИЙ
СПАРТАКИАДА

Унда «Сирдарё ИЭС» ҳиссадорлик жамияти, «Сирдарёэлектртармоқлари» жамияти, «Сирдарё ИЭС қурилиш» шўба корхонаси, Фарҳод ГЭС, Гулистон нефт базаси унитар корхоналарида ишловчилардан 120 нафар киши иштирок этди. Улар спортнинг волейбол, футбол, шахмат-шашка ва стол тенниси турлари бўйича ўзаро беллашди.

Қизгин ва муросасиз ўтган баҳслар кимнинг ким эканлигини кўрсатди. Умумжамоа ҳисобида «Сирдарё ИЭС» биринчи, электр тармоқлари иккинчи ҳамда Фарҳод ГЭС вакилларига учинчи ўрин насиб этди. Шахсий биринчиликда теннис бўйича З. Ихсанов, Г. Турдиматова, шахматдан М. Хайлаева, Н. Абкеламовалар етакчилик қилишди. Мусобақа голиблари вакилликнинг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, улар сентябр ойида спортнинг олти тури бўйича Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтадиган тармоқ касба уюшма Марказий кенгашининг кўчма кубоги учун Республика 9-спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.

Т. УМАРҚУЛОВ,
Марказий кенгашининг
Сирдарё вилоятидаги
вакили

ХУҚУҚИЙ САБОҚЛАР



Савол: Никоҳ шартномаси ҳақида тушунча берсангиз. Уни тузишда нималарга аҳамият бериш керак?

**З.АЛИМОВА,
Наманган шаҳри**

Жавоб: Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш тақозоси билан оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари жорий этган муҳим бир янги норма, бир неча йилдирки, мамлакатимизда амал қилиб келмоқда. Бу эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби бўлиб, кўпгина келишмовчилик, айниқса, никоҳдан ажрашаётган эр-хотинларнинг мол-мулк борасидаги можароларини олдини олишга хизмат қилмоқда.

Оила кодексининг 29-моддасига мувофиқ, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёхуд эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилувчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхати-га олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин бўлиб, бундай шартнома ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никоҳга қадар тузилган шартнома никоҳ давлат рўйхати-га олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Бу шартнома эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳнинг тугатилиши билан никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди. (Оила кодексининг 32-моддаси).

Хўш, уни тузишда нималарга аҳамият бериш керак?

Эр-хотин:

никоҳ шартномасига кўра, биринчидан, биргаликдаги умумий мулкнинг Оила кодексининг 23-моддасида белгиланган тартибини ўзгартиришга;

иккинчидан, эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёки эр ва

хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга;

учинчидан, ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкӣ шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга;

тўртинчидан, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олишга;

бешинчидан, эр ва хотиннинг мулкӣ муносабатларига оид бошқа қоидаларни белгилашга ҳақли.

Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар муайян муддат билан чекланиши ёки муайян шарт-шароитнинг юзага келиш-келмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, никоҳ шартномасида эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқати, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқи чекланмаслиги, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкӣ муносабатлар, уларнинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинмаслиги лозим. Бундай шартномага меҳнатга лаёқатсиз, таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидалар, тарафлардан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўйдиган ёки оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид бўлган бошқа шартлар киритилишига йўл қўйилмайди. Бунга бепасандлик ёки эътиборсизлик билан қараш никоҳ шартномаси эр-хотиндан бирининг талабига биноан суд томонидан тўла ёки қисман ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлиши мумкин.

Эр (хотин) никоҳ шартномаси тузаётгани, уни ўзгартираётгани ёки бекор қилаётгани тўғрисида ўз кредиторини (кредиторларини) хабардор қилиши шарт (Оила кодексининг 35-моддаси). Кредитор (кредиторлар) шароит жиддий ўзгарганлиги туфайли никоҳ шартномасининг шартларини қонунда белгиланган тартибда ўзгартириш ёки бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Савол: Яқинда фарзандли бўлдим. Илгарӣ ҳеч жойда ишламаганман. Билам 2 ёшга тўлгунча нафақа олишга ҳақиманми?

**Н.АЗИМОВА,
Чирчиқ тумани**

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Республика Халқ банки ва «Маҳалла» жамғармасининг 2002 йил 8 февралдаги «Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги қўшма Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартдаги 2 сон билан рўйхатга олинган) 2-бандига кўра, болани парвариш қилиш бўйича нафақа фуқаролар-

нинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан бола икки ёшга етгунга қадар ишламаётган оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга (одатда, отасига, фарзандликка олган шахсга, васийга ёки бошқа қариндошларига) тайинланади.

Болани парваришлаш бўйича нафақани тайинлаш учун асос шахарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқароларининг йиғини ёки фуқаролар йиғини томонидан ушбу нафақани тайинлаш ва тўлаш масалаларини ҳал этиш учун вакил қилинган комиссия томонидан қабул қилинган қарор ҳисобланади. Болани парваришлаш учун нафақа, парваришланаётган болалар сонидан ва нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъий назар ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдоридан тўланади.

Қарз шартномасини, агар қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошадиган бўлса, нотариал тасдиқлатган маъқул.

Савол: Менинг қизим ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган математика фани бўйича шаҳар олимпиадасида 2-ўринни олди. Ушбу тоифадаги ўқувчиларга коллежга киришда имтиёзлар борми?

**Ю.МАХСУМОВА,
Андижон шаҳри**

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбат-

лантириш тўғрисида»ги 157 сонли қарори билан тасдиқланган «Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида»ги Низомнинг 3-банди талабига кўра, Республика олимпиадалари ҳар йили мактабларнинг IX-XI синфлари ҳамда хунар-техника билим юртлари (коллежлар, академик лицейлар) ўқувчилари ўртасида ўтказилади. Олимпиадалар тўрт босқичда: 1-босқич-ўқиш жойи бўйича; 2-босқич-туман, шунингдек, ҳудуди туманларга бўлинмаган шаҳар бўйича; 3-босқич-вилоят бўйича, шу жумладан, Қорақалпоғистонда ва Тошкент шаҳрида; 4-босқич-республика бўйича. Олимпиаданинг биринчи

босқичида мактаблар ва билим юртларининг барча ўқувчилари иштирок этишлари мумкин, навбатдаги босқичларда эса фақат олдинги босқичларда I, II, III ўринни эгаллаб, голиб бўлганлар қатнашадилар.

Халқаро (1-5-ўринлар) ва Республика (1-ўрин) олимпиадаларининг голиблари — мактаблар ва хунар-техника билим юртлари (коллежлар, академик лицейлар) битирувчилари олий ўқув юртларига тестларсиз ва кўшимча имтиҳонларсиз кириш ҳуқуқига эга.

Амалдаги қонунчиликда 1, 2 ва 3-босқичларнинг голибларига бошқа имтиёзлар берилиши назарда тутилмаган.

Савол: Мен «Соғлом авлод учун» 1-даражали орденининг соҳибиман. Бу менга қандай имтиёзлар беради?

**Н.РАСУЛОВ,
Музработ тумани**

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган «Соғлом авлод учун» ордени тўғрисида»ги Низомнинг 4-бандига асосан, 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар: йилига бир марта ҳар икки томонга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида темир йўл, ҳаво ёки шахарлараро автомобил транспортида шахсан бепул юриш; имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш ва дори-дармонларни текин олиш; квартира ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод бўлиш ҳуқуқларига эга. Бундан ташқари, 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар бир вақтнинг (мукофотланиш билан бирга) ўзида энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдоридан пул мукофоти оладилар.

Савол: Менинг қизим 2002 йилда Тошкент агротехорат коллежининг ҳуқуқшунослик бўлимини тугатиб, шу йилни ўзида ЎшДУ ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб, ҳозирги кунда ўқишни тугатди. 2006 йил сентябр ойида диплом олар экан. Қизим Ўзбекистонда ҳуқуқ соҳаси бўйича ишлаш оладими? Дипломи Ўзбекистонда ишлашга ўтиши учун нима қилиш керак?

**Т.КИРФИЗБОЕВА,
Зангиота тумани**

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283 сонли қарори билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида» ги Низом талабларига мувофиқ, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги 1992 йил 1 январдан сўнг берилган ҳужжатлар нострификация қилиниши (эквивалентлиги қайд этилиши) лозим. Бунинг учун эса бевосита Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест марказига тегишли ҳужжатлар (диплом ва унинг иловаси асли нусхаси, ушбу ҳужжатларнинг давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси)ни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилиши керак.

Оила жамиятнинг асосий бўгинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

**Ўзбекистон
Республикасининг
Конституциясидан**

Савол: Марказий шифохонада шифокор бўлиб ишлаймиз. Умумий иш стажимиз 30-33 йил. Шифохонада 1 ставка ишлаймиз, бундан ташқари бошқа тиббий муассасада 0,5 ставка ўриндошлик асосида ҳам ишлаймиз. Бизларга асосий иш жойимизда 20 йилдан ортиқ ишлаганимиз учун 20 фоиз кўшимча иш ҳақи тўлашади. Аммо, 0,5 ставка учун устама иш ҳақи тўлашмаяпти. Шу тўғрими?

**Ф.ПОПИЕВ
Фарғона вилояти**

Жавоб: Ҳа, тўғри. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабр кундаги 276 сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллашган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ узлуксиз иш стажидан тўлиқ вақтга ўтган тиббиёт муассасалари врачлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, шунингдек, фармацевтика ходимларига, алоҳида тоифадаги ходимлардан ташқари, қуйидаги узлуксиз иш стажига, яъни 5 йилдан 10 йилгача тариф ставкасининг 5 фоизи, 10 йилдан 15 йилгача — 10 фоизи, 15 йилдан 20 йилгача — 15 фоизи, 20 йилдан ортиқ — 20 фоизи миқдоридан устама ҳақ тўланади. Ушбу қарорга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия вазирликлари тушунтириши мавжуд бўлиб, унга мувофиқ узлуксиз иш стажидан тўлиқ вақтга ўтган тиббиёт муассасалари врачлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, шунингдек, фармацевтика ходимларига, алоҳида тоифадаги ходимлардан ташқари, қуйидаги узлуксиз иш стажига, яъни 5 йилдан 10 йилгача тариф ставкасининг 5 фоизи, 10 йилдан 15 йилгача — 10 фоизи, 15 йилдан 20 йилгача — 15 фоизи, 20 йилдан ортиқ — 20 фоизи миқдоридан устама ҳақ тўланади. Ушбу қарорга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия вазирликлари тушунтириши мавжуд бўлиб, унга мувофиқ узлуксиз иш стажидан тўлиқ вақтга ўтган тиббиёт муассасалари врачлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, шунингдек, фармацевтика ходимларига, алоҳида тоифадаги ходимлардан ташқари, қуйидаги узлуксиз иш стажига, яъни 5 йилдан 10 йилгача тариф ставкасининг 5 фоизи, 10 йилдан 15 йилгача — 10 фоизи, 15 йилдан 20 йилгача — 15 фоизи, 20 йилдан ортиқ — 20 фоизи миқдоридан устама ҳақ тўланади.

**Саволларингизга
ҳуқуқшунослар Довуд
МАДИЕВ ва Отабек
АТАКОВ жавоб бери**

Ҳафталик TV дастури

10 июл — 16 июл

Душанба

10

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45 ТВ анонс.
8.50 Олтин мерос.
"Ёз - ўтмоқда соз".
8.55 1. "Спорт Лигга". Болалар учун фильм.
2. "Шумтакалар". Мультсериал.
10.30 ТВ анонс.
10.35 "Шифокор қабулида".
10.55 "Сизнинг адвокатингиз".
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Омон бўлинг".
11.20 "Соз сеҳри". Т. Ражабий.
11.45 "Пирин кинога". Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.45 ТВ анонс.
12.50 "Пирин кинога". Спектакль. 2-қисм.
13.40 "Одами эрсанг".
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон". Кундузги дастур.
15.20 "Ватанпарвар".
16.20 "Бир жинот изидан".
"Болалар сайраси".
16.45 "Эртақлар - яшиллик етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Равнак" студияси намойиш этади.
17.35 "Кудри-Ринг".
18.15 "Ўмр дафтари". Незмат Аминов. 1-қисм.
18.35 "Олтин тулпор дуюбади". Видеofilm. 1-қисм.
19.05 "Оқанлар оғушида".
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан.
"Ватан фидойилари".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг".
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал премьераси.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу.

YOSHLAR

22.00 "Чин муҳаббат". Телесериал премьераси.
23.10 "Қўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз берилди)
23.20 Тунги сериал: "Шаҳарлик фаршита".
00.10-00.15 Тунги наволар.

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Анонслар.
17.05 Болажон.
17.15 Ватан ҳақида уйлар.
17.20 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
17.30 Ёшлик наволари.
17.45 Юртим юраги.
17.55 Анонслар.
18.00 "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". Сериал.
18.40 SMS - танлов.
18.45 UzEX хабарлари (рус тилида)
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 UzEX хабарлари.
19.55 Ракурс.
20.10 CINEMANIYA.
20.30 Ёшлар куйлаганда.
20.50 Ёзлонлар.
21.00 "Гурур". Сериал. 16-қисм.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Анонслар.
22.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Финал.
0.40 - 0.45 Ораулар бекати.

TOSHKENT

18.05 Курсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.30 "Пойтахт". /рус/.
18.50 "23, 5 даражали бурнак остида". Хужжатли телесериал.
19.15 2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили: "Саломат бўлинг". /рус/.
19.30 "Табриқлаймиз, кутлаймиз".
20.00 "Пойтахт".
20.20, 21.55 "Тв анонс".
20.25 "Яши ёмон йиттилар". Телесериал. /рус/

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Ёз - ўтмоқда соз".
8.50 1. "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Бор ақанда, йўқ экан". Болалар учун фильм.
10.50 ТВ анонс.
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Омон бўлинг".
11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал.
11.55 "Дил тарониси".
12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
12.10 ТВ анонс.
12.15 "Юртим бўйлаб" дастури: "Чуста хуш келибсиз". "O'zbektelefilm".
12.45 "Чин муҳаббат". Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Заковат".
16.15 "Олтин бешик".
"Болалар сайраси".
16.45 "Эртақлар - яшиллик етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан.
"Ватан фидойилари".
17.15 Экин альбом.
17.20 "Ақл ва идрок".
17.40 ТВ анонс.
17.45 "Агар Сиз".
18.05 "Оқанлар оғушида".
18.15 "Ўмр дафтари". Незмат Аминов. 2-қисм.
18.35 "Олтин тулпор дуюбади". Видеofilm. 2-қисм.
19.05 ТВ анонс.
19.10 "Банк ва микро".
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзлонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг".
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Сиз сонинган оқанлар". К. Отанайзов.
22.00 "Чин муҳаббат". Телесериал.
23.10 "Қўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз берилди)
23.25 Тунги сериал: "Шаҳарлик фаршита".
00.10-00.15 Тунги наволар.

YOSHLAR

8.10 Эврика.
8.20 "Фан" туркуми: "Компьютерлар ва математика".
8.30 Рўзгор мактаби.
8.55 Анонслар.
9.00 "Қўлим чечали". Сериал.
9.50 SMS - танлов.
9.55 Ватан ҳақида уйлар.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 "Жўнатилмаган мактуб". Бадрий фильм.
11.50 Ракурс.
12.05 SMS - танлов.
12.10 "Гурур". Сериал 16-қисм.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 ЯНГИ КҮН.
13.15 "Фан" туркуми: "Тўқинлар".
14.25 Қўлимиз қўшлар. Баҳаи.
15.30 Яшанба нуношаси.
16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 "У замонлар ўтиб кетган". Бадрий фильм.
17.30 SMS - танлов.
17.35 "Кўнглимиз" театри: "Сув ҳам тугайдими?".
17.55 Анонслар.
18.00 "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". Сериал.
18.40 Болалар табасуми.
18.45 ТВ - дорикона.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 Автопатруль.
20.00 "ЖОКЕР" телелогораси.
20.10 Ватан ҳақида уйлар.
20.30 Ёшлар куйлаганда.
20.50 Ёзлонлар.
21.00 "Гурур". Сериал. 17-қисм.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 SMS - танлов.
22.40 Кўнгли тарониси.
22.50 Анонслар.
23.00 "Елгон асияси". Телесериал.
23.45 - 23.50 Ораулар бекати.

TOSHKENT

18.05 Курсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.30 "Пойтахт". /рус/.
18.50 "23, 5 даражали бурнак остида". Хужжатли телесериал.
19.15 "Келажикда интилим".
19.30 "Табриқлаймиз, кутлаймиз".
20.00 "Пойтахт".
20.20, 21.50 "Тв анонс".
20.25 "Яши ёмон йиттилар". Телесериал. /рус/

YOSHLAR

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Дадрнинг боласи.

SPORT-TV

20.50, 21.25 "Телекурьер маркет".
21.00 "Оқшом наволари".
21.20 "Тв юрист".
21.35 "Журналист тахлили".
22.10 "Болажон киз". Бадрий фильм.
23.20-23.25 "Хайрли тун, шаҳрим".

SPORT-TV

Телетомошибилар диктатига!
Профилактика муносабати билан,
26 июнь кунини "Sport" телеканали ўз курсатувларини 18.00 дан бошлади.
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Доус", Сериал.
18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
18.50 "Гоя наука". Док. фильм.
19.40 "Спортимиз маликалари".
20.00 "Вести".
20.20 "Тет-а-тет".
20.30 Звезды мирового спорта. "Пеле - герой футбола".
21.30 "Хабарлар" (Ўзб тилида)
21.50 "Заколдованный участок". Сериал.
22.45 Велоспорт. Тур де Франс.
23.10 "Проф-РИНГ".
24.00 "Тунингиз оуда бўйсин!"

ПЕРВЫЙ

4.55 Телеканал "Доброе утро"
8.00 Новости
8.05 Телеканал "Доброе утро"
8.35 "Агент национальной безопасности". Много-серийный фильм
9.30 "Детективы"
10.05 "Малхов +"
11.00 Новости
11.15 Сериал "Талисман"
12.10 "Ералаш"
12.50 "Лолита. Без комплексов"
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 "Савелий Крамаров. Дженгльмен удаче"
15.20 "Доктор Курпатов"
15.55 "Пусть говорят" с Андреем Малаховым.
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 "Криминальная Россия". "Безумная семейка"
17.50 "Любовь как любовь". Многосерийный фильм
18.55 "Федеральный судья"
20.00 Время
20.30 Премьера. "Офицеры". Многосерийный фильм
21.25 Премьера. "Первый раз замужем"
22.30 "На ночь глядя"
23.15 Ночные новости

SPORT-TV

23.15-23.20 "Хайрли тун, шаҳрим".

SPORT-TV

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
8.20 Мультсериал.
8.45 "Спорт - клуб".
9.00 "Хабарлар" (Ўзб. тилида)
9.20 Мультфильм.
9.30 "Детективы".
10.00 "Удивительные приключения". Фильм для детей.
11.15-12.20 "Талисман". Сериал.
18.00 "Болалар спорти".
18.15 "Доус", Сериал.
18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
18.50 "Мониторинг".
19.10 "В поисках приключений".
20.00 "Вести".
20.20 "Нью-Йорк". Док. фильм. "Uzbektelefilm".
20.30 Теннис. Уимблдон. Финал.
21.30 "Хабарлар" (Ўзб тилида)
21.50 "Заколдованный участок". Сериал.
22.30 Енгл атлетика. Олтин лига. Париж.
23.30 Велоспорт. Тур де Франс.
24.00 "Тунингиз оуда бўйсин!"

ПЕРВЫЙ

4.55 Телеканал "Доброе утро"
8.00 Новости
8.05 Телеканал "Доброе утро"
8.35 "Агент национальной безопасности". Много-серийный фильм
9.30 "Детективы"
10.00 "Малхов +"
11.00 Новости
11.15 Сериал "Талисман"
12.10 Криминальная Россия. "Безумная семейка"
13.00 "Лолита. Без комплексов"
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 "Офицеры". Многосерийный фильм
15.20 "Доктор Курпатов"
15.55 "Пусть говорят" с Андреем Малаховым
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 Премьера. Валентина Толкунова: «Я не могу иначе»
18.00 "Любовь как любовь". Многосерийный фильм
19.00 "Федеральный судья"
20.00 Время
20.30 Премьера. "Офицеры". Многосерийный фильм
21.30 Футбол. Чемпионат России. "Локомотив" - "Динамо". Прямой эфир
23.30 "На ночь глядя"
0.15 Сигурни Уивер в комедии «В поисках Галатии»
2.00 Время
2.30 Приключенческий фильм «Золотая лихорадка»
4.00 Новости
4.05 Фильм «Древние египтяне»

РОССИЯ

4:00 "Доброе утро, Россия".
7:45 Светлана Антонова, Денис Матросов, Оскар Кундря и Татьяна Васильева в комедийном сериале «Любовь моя».

23.30 Триллер «Чужая игра»
1.05 Комедия «Бейсбол»
2.00 Время
2.30 Комедия «Бейсбол». Продолжение
3.10 Сериал «Линия огня»
4.00 Новости
4.05 Фильм «Древние египтяне»

РОССИЯ

4:00 "Доброе утро, Россия".
7:45 ПРЕМЬЕРА. Ольга Понизова и Александр Пороховщиков в приключенческом телесериале «Авантюристка».
9:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 Павел Новиков, Дмитрий Нагиев и Виктор Мережко в детективном телесериале «Крот-2».
12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 Мария Шукшина, Вячеслав Гришечкин и Джейми Мюррей в фильме «Не все кошки серы...». 2003г.
15:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долников и Анатолий Лобухин в телесериале «Волчица».
18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».
20:15 РУССКАЯ СЕРИЯ. Алексей Серебряков, Алена Бабенко, Юрий Степанов, Илья Шакунов и Наталья Егорова в телесериале «Дети Ванюшина».
22:10 Фестиваль «Славянский базар - 2006». День Беларуси. Гала-концерт.
23:15 «ВЕСТИ».
23:35 ПРЕМЬЕРА. Александр Тютин, Александр Цуркан, Михаил Химичев и Виктория Малеко-рохин в детективном телесериале «Угон».
0:40 «Дорожный патруль».
0:50 НОЧНОЙ СЕАНС. Том Ханкс в комедии «Пригород» (США), 1991г.
2:30 Канал «Евроночь» на русском языке.
3:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 Мультсериал «Гарфилд». 41-я серия.
8.30 Мультсериал «Сабрина - маленькая ведьма». 21-я серия.
9.00 Мультсериал «Маска». 30-я серия.
9.30 Русские мультфильмы.
10.00 Художественный фильм «ЛУЧШЕ ДОМА НЕТ». США, 2001.
12.00 Художественный фильм «СМЕРТЕЛЬНАЯ ОШИБКА». Германия, 1968.
14.00 Сериал «Осторожно, модерн!» 44-я серия.
14.30 Русские мультфильмы.
15.00 Художественный фильм «ЛЕГИОНЕРЫ». США, 1977.
17.00 Художественный фильм «СТРАХ «КРАС-

ТВ-3

8:50 ПРЕМЬЕРА. Ольга Понизова и Александр Пороховщиков в приключенческом телесериале «Авантюристка».
9:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 Павел Новиков, Дмитрий Нагиев и Виктор Мережко в детективном телесериале «Крот-2».
12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 Алексей Серебряков, Алена Бабенко, Юрий Степанов, Илья Шакунов и Наталья Егорова в телесериале «Дети Ванюшина».
15:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долников и Анатолий Лобухин в телесериале «Волчица».
18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».
20:15 РУССКАЯ СЕРИЯ. Аристарх Ливанов, Владимир Конкин и Александр Дедюшко в телесериале «Оперативный повидроним».
22:10 Фестиваль «Славянский базар - 2006». Международный конкурс исполнителей эстрадной песни.
23:15 «ВЕСТИ».
23:35 ПРЕМЬЕРА. Александр Тютин, Александр Цуркан, Михаил Химичев и Виктория Малеко-рохин в детективном телесериале «Угон».
0:35 Чак Норрис в боевике «Обитель дьявола» (США), 2003г.
2:20 «Дорожный патруль».
2:35 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛНОЧНИКОВ. Виктор Проскурин, Сергей Юшкевич, Агнеса Зельман, Олеся Потапкинская и Александр Ленский в военном детективе «Человек войны».
3:20 Квилл «Евроночь» на русском языке.

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 Мультсериал «Гарфилд». 42-я серия.
8.30 Мультсериал «Сабрина - маленькая ведьма». 22-я серия.
9.00 Мультсериал «Маска». 31-я серия.
9.30 Русские мультфильмы.
10.00 Художественный фильм «ТРЕСТ, КОТОРЫЙ ЛОПНУЛ». 1-я серия. Россия, 1983.
11.30 Художественный фильм «ТУМСТОУН». США, 1993.
14.00 «Осторожно, модерн!» 45-я серия.
14.30 Русские мультфильмы.
15.00 Художественный фильм «БЛИЗКО К СЕРДЦУ». США, 1996.
17.30 Художественный фильм «ВОЗДУШНЫЕ ПИРАТЫ». Украина, 1992.
19.00 Сериал «ГОРЕЦ-3». 10-я серия.
20.00 Художественный фильм «МАЛЫШ». США, 2000.
22.00 Художественный фильм «ТРИКОСНОВЕННЕ УБИЙЦЫ». Канада, 2001.
0.00 Художественный фильм «НЕЗАДАЧИВЫЙ МАНЬЯК». США, 1999.
2.00 Художественный фильм «ГОРЯЧАЯ ЖАТВА».

НОЙ СКАЛЫ». США, 2000.
19.00 Сериал «ГОРЕЦ-3». 9-я серия.
20.00 Художественный фильм «БЛИЗКО К СЕРДЦУ». США, 1996.
22.30 Художественный фильм «АМАЗОНКИ И ГЛАДИАТОРЫ». Австралия, 2001.
0.30 Художественный фильм «СОБИРАТЕЛЬ ГОЛОВ». США, 2005.
2.00 Художественный фильм «ПРИГОВОРЕННЫЙ». США - Германия, 2000.
4.00 Сериал «ГОРЕЦ-3». 9-я серия.
4.45 Художественный фильм «ВО ИМЯ ЛЮДЕЙ». США, 2000.

СТС

7.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Многосерийный художественный фильм. 2 серии.
7.40 «Самый маленький гном». Выпуск 1-й. Мультимедийный фильм.
7.55 «Смешарики». Многосерийный мультимедийный фильм.
8.00 «33 квадратных метра».
8.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
